

Qishloq haёti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

kishlokhayoti@mail.ru

1974 yil 1 yanvardan
chiqa boshlagan

Тошкентда "Универсиада-2007" спорт ўйинлари якунланди

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» спорт мажмуи стадионида бир неча кун давомидида «Универсиада-2007» машъаласи порлаб турди. Тошкентнинг энг яхши спорт майдончалари — тубдан реконструкция қилинган ва халқаро стандартлар талабларига мос равишда янги қурилган спорт мажмуалари, сув ҳавзалари, стадионлар, залларда 21-24 июнь кунлари республика талабаларининг спорт ўйинлари ўтказилди.



Бу галги тўртинчи Универсиада ҳам Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ёш авлодни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оммавий жалб қилишга қаратилган уч босқичли тизимнинг юқори самарадорлигини яна бир бор намойиш этди. Мазлумки, бугун дунёда тан олинган ёшларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялашнинг «Ўзбек модели» мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг «Баркамол авлод» спорт ўйинларини ҳам ўз ичига олади. Универсиада эса унинг якуний босқичи ҳисобланади.

Хар томонлама баркамол, чуқур билимли, мустақил фикрлаш қобилиятига эга ёш авлоднинг Тошкентда давлат сибёсти даражасига кўтарилган. Мустақилликнинг биринчи кунларидан мамлакатимизда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга, шу жумладан ёшларнинг спорт билан фаол шуғулланишига доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

Хар бир талабалар уйда тренажёр зали мавжуд бўлиб, бу ерда дарслардан бундан шуғулланиш мумкин. Талабалар спорт жамоаларининг кўплаб секцияларида эса спортчиларни профессионал тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунда спорт ёшларининг ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. У ёшларда қатъиятлик, галабага интилиш хусусиятларини тарбияламоқда, уларнинг шахс сифатида шаклланишига ёрдам бермоқда.

Мухтасар айтганда, ана шу эзгу интилишларнинг самараси ўлароқ, бугун ўз Ватани ва халқига муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат, истиқлол ғояларига садоқат, буюк келажаққа ишонч руҳида камол топган Ўзбекистоннинг янги авлоди ҳаётга кириб келмоқда.

Бўлиб ўтган Универсиада ҳам буну яққол намойиш этди. У Ўзбекистон талаба ёшларининг ҳақиқий навиқорликлари ва спорт байрамига айланди. Унда барча вилоятлар, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳри терма жамоалари таркибидида 2 мингга яқин йигит-қиз иштирок этди. Мусобақалар спортнинг 12 тури — баскетбол, кураш, белбоғли кураш, дзюдо, волейбол, енгил атлетика, теннис ва стол теннис, шахмат, футбол, гандбол, сузмиш бўйича ўтказилди. Универсиада қатнашчилари Олимпик ҳаракати тамойилларига тўлиқ жавоб берадиган куч, эпичлик, тезлик борасида ҳалол беллашиб, юксак спорт маҳоратини намойиш этдилар. Мусобақалар давомидида кўплаб рекордлар ўрнатилди, 200 дан зиёд медаллар тўлаими учун кескин кураш олиб борилди.

«Универсиада-2007» машъаласи порлаб турибди. Ўзбекистон Президент байроғи ва Универсиада байроғи мағрур ҳилпирайди. Стадион майдонини тўлдирган ёш спортчи ва артистлар «Ёшлик» вокал-хореографик композициясини икром этмоқда.

«Универсиада-2007» машъаласи аста-секин суна бошлади. Универсиада байроғи туширилди, Тошкент шаҳри терма жамоаси аъзолари уни навабдаги Универсиада мезонбонлари — Андижон вилояти вақилларига топширади.

«Универсиада-2007» машъаласи порлаб турибди. Ўзбекистон Президент байроғи ва Универсиада байроғи мағрур ҳилпирайди. Стадион майдонини тўлдирган ёш спортчи ва артистлар «Ёшлик» вокал-хореографик композициясини икром этмоқда.

Андижонликларнинг садоқати, фидойилиги ва қатъияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 21 июнь кўни Андижон вилоятига сафари республикамиз ва чет эл босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида кенг шарҳланмоқда.

Жумладан, «Би-би-си мониторинг» «Ўзбекистон-канал» телерапортжи асосида тайёрланган хабаридида Президент Ислам Каримов Андижон вилояти фермерлари билан учрашувда 2005 йилда содир этилган Андижон воқеалари бутун халқ учун синов бўлгани ҳақида гапиргани ва қатъият кўрсатгани учун андижонликларга миннатдорлик билдиргани тўғрисида ёзади. «Би-би-си мониторинг» «Ўзбекистон раҳбарининг сўзларига кўра «Андижонликлар ўша синов вақтида турли ёлгонларга, кўпуровчилик ҳаракатларига қарши туриш асосида юксак матонат кўрсатиб, рўй берган воқеалар ҳақида ўз фикрларига эга бўлганини» таъкидлайди.

«Би-би-си мониторинг» «Ўзбекистон-канал» телерапортжи асосида тайёрланган хабаридида Президент Ислам Каримов Андижон вилояти фермерлари билан учрашувда 2005 йилда содир этилган Андижон воқеалари бутун халқ учун синов бўлгани ҳақида гапиргани ва қатъият кўрсатгани учун андижонликларга миннатдорлик билдиргани тўғрисида ёзади. «Би-би-си мониторинг» «Ўзбекистон раҳбарининг сўзларига кўра «Андижонликлар ўша синов вақтида турли ёлгонларга, кўпуровчилик ҳаракатларига қарши туриш асосида юксак матонат кўрсатиб, рўй берган воқеалар ҳақида ўз фикрларига эга бўлганини» таъкидлайди.

27 июнь

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан Халқ таълими вазирлиги журналистлар ўртасида мини-футбол ва стол теннис (аёллар) мусобақасини ташкил қилди.



Етган рўзгорники, ортган маҳалладошга

Ҳозирги айти пишиқчилик даврида бозору дўконларимизга кирган кишининг кўнглида беихтиёр шукроналик туйғуси уйғонади. Зеро, бундай серобчилик, мўл-кўлчилик, арзончилик юртимиз табиатининг ўзига хослиги ҳамда азалдан деҳқончилик ҳадисини олган қишлоқ одамларининг пешона терию меҳнати маҳсулидир.



хобчалари ташкил этиш ташаббуси жорий этилди.

Ташаббус

Қишлоқ жойларда деҳқончилик қилмайдиган оила кам. «Етган рўзгорники, ортган маҳалладошга» деб илқидидаги бир парча бўлса-да, ерга у ёки бу экин экишни қанда қилмайдиган ва бунинг урдаасидан чиқаётган оилалар жуда сероб қишлоқларимизда.

Шундан 742 та дўкон, 130 та турғун савдо шохбечаси июнь ойининг ўн бешинчи санасигача фойдаланишга топширилган. Бундай дўконлар ва савдо шохбечалари қурилишида тadbirkorлар, фермерлар, «Маҳалла» жамғармаси бўлиналари бевосита иштирок этмоқда. Ҳозирги кунда бу масканларга қишлоқ ҳўжалиги ҳамда гўшт, тухум сингари маҳсулотларни етказиб бериш учун беш қоздан ортқ деҳқон-фермер ҳўжаликлари бириктирилган. Дарҳақиқат, бизда томорқасидан мақсадсиз фойдаланаётган хонадоннинг ўзи йўқ, ҳисоби. Масалан, худудимиздаги 1340 та хонадоннинг томорқа участкаларидан фойдаланиш жараёни ўрганилганда, у ерда 131 гектар атрофдаги ер майдонидида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экилганлиги, 62 тоннадан зиёд маҳсулот оила-си учун қолиши, қарийб 80 тонна маҳсулотни сотиш имконияти борлиги аниқланди. Шундай экан, оилаларда етиштири-

лаётган маҳсулотни сотиш ҳам эътиборга молик масала. Ташкил этилаётган дўконлар ва савдо шохбечаларида маҳалла аҳлидан чиққан маҳсулотлар шу маҳалланинг ўзидида сотилиши мўлжалланган. Бу эса ортқча харажат ҳамда ноқулайликларнинг олдини олади.

«Дўкон ёки савдо шохбечаларида нархлар қандай белгиланади?» — Нархлар келишилган тарзда белгилана-да, туман маркази ёки шаҳарлардаги бозорлардан анча арзон. Аниқроқ айтганда, етиштирувчи маҳсулотни ироққа олиб бормади. Тегишли идоралардан рўйхатдан ўтиши, солиқ тўлаши лозим эмас. Демак, бундай енгилликлар нархларда акс этиши турган гап. Бироқ, орамизда нархларни суъний тарзда оширишга ҳаракат қилаётганлар учраб турибди. Бундай ҳолларни бартараф этиш учун жамғармамаз вақиллари туманлардаги солиқ инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда мониторинг юритиб келмоқда. Хусусан, ўтказилган 198 та мониторинг пайтида Охангарон, Қўйи Чирчиқ, Бўстонлик туманларида олибсотарлик қилиб, маҳсулотлар нархини асоссиз равишда ошираётганлар аниқланди ва уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Бу борада тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, вилоятда бу борада қилинаётган ишлар натижасида аҳолига талайгина қулайликлар яратилмоқда. Бу ташаббусдан, биринчи навбатда, халқ манфаатдор бўлаётир. Аслида қўзланган мақсад ҳам шундан иборат.

Дилшод УЛУМУРОДОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.



Байрам шукуҳи кезмоқда

Мини-футбол бўйича беллашуларда бир қатор газета ва телевидение жамоалари ўзаро куч синашдилар. Гурӯҳ баҳорларида ҳамжихат бўлиб, рақибларини доғда қолдирган «Мазрифат», «Қишлоқ ҳаёти», «XXI аср» газеталари ва «Миллий телерадиокомпания» ходимларидан тузилган жамоалар ярим финалда бир-бирларига қарши майдонга чиқдилар.

Мини-футбол бўйича беллашуларда бир қатор газета ва телевидение жамоалари ўзаро куч синашдилар. Гурӯҳ баҳорларида ҳамжихат бўлиб, рақибларини доғда қолдирган «Мазрифат», «Қишлоқ ҳаёти», «XXI аср» газеталари ва «Миллий телерадиокомпания» ходимларидан тузилган жамоалар ярим финалда бир-бирларига қарши майдонга чиқдилар.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнига бағишланган мақоалар билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз.

Жиззах шаҳрида Туркиянинг «RITASH HOLDING» ширкати билан ҳамкорликда «RIPOLTEKS TEKSTIL» қўшма корхонаси иш бошлади.

Яна бир корхона

«Бугунгача гиламлар учун ишлаб-чиқариш ишлари асосан, Туркиянинг Газвантеп шаҳридан олиб келинар эди, — дейди қўшма корхона бош директори Зекерия Гок. — Энди бу маҳсулотлар тўлиқ Ўзбекистондан чиқади.

Бахтиёр АҚРАМОВ
олган сурат.

27 июнь - Миллий ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

YETTI-QOLIMDAN BIR SHINGIL

Сув келтирган офат

Покистоннинг Карачи шаҳрида юз берган кучли ёнғинга қўшилган катта талафотларга сабаб бўлди.

Мамлакатнинг энг катта шаҳарларидан саналган Карачидаги кучли сел ва ер қўқилари 250 га яқин одамнинг умрига зомин бўлган. Шаҳарнинг айрим аҳоли пунктлари деярли сув остида қолиб кетган.



Табиатнинг бу каби инжиқликларидан Покистонга қўшни Хиндистонда ҳам минглаб одамлар азият чекмоқда. Муссон ёмғирлари оқибатида дарёларнинг суви тошиб кетиши ёки чакмақ уриши оқибатида мамлакатда юздан зиёд одам ҳалок бўлган. Хиндистоннинг бир неча штатларида ҳаракат қийинлашиб қолган. Катор аэропорт ва темир йўл фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилган.

Кимёвий Алига ҳукм

Ирок собиқ ҳукуматининг уч нафар юқори лавозимли аъёлари мамлакат олий суди томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинди.



Али Ҳасан ал-Мажид (Кимёвий Али), собиқ мудофаа вазири ва унинг ўринбосари 1980 йилда қурдларнинг оммавий равишда қириб ташлашда айбдор деб топилди ва ошир орқали ўлимга ҳукм этилди.

Кимёвий Али Садам Ҳусайннинг амакиваччаси бўлиб, 1980-йил охирида "Анфал" — қурдларга қарши оммавий қирғин куроллари қўллаш операциясига бошчилик қилган. "Анфал" операцияси 120 миңдан зиёд қурдларнинг умрига зомин бўлган.

Афғонистонда нима гаплар?

Афғонистон президенти Ҳамид Карзай мамлакатдаги хоризк кучлари ҳаракатига норозилик билдирди.

Кобулда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Ҳамид Карзай Америка бошчилигидаги иттифоқчи ва НАТО кучлари маҳаллий кучлар билан ҳамкорликда иш юритмай, тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлишига сабаб бўлаётганликларини айтиб ўтди. Шунингдек, Афғонистон раҳбари бундан буён хоризк кучлари Афғон ҳукумати қўрсатган йўриқдан юришлари лозимлигини ўқитди.

22 июни кунини тунда НАТО кучлари Филмонд вилоятда жангариларга қарши ҳужум уюштириши оқибатида 25 нафар тинч аҳоли вакиллари ўлимга сабаб бўлган эди. Урузгон вилоятдаги худди шундай жангда 60 нафар маҳаллий аҳоли вакиллари ҳалок бўлган.

Бирлашган Қиролликда кутилаётган ўзгариш

Буюк Британияда лейбористлар партияси раҳбари этиб 56 йшли молия вазири Гордон Браун тайинланди.

Бу ҳақда Манчестерда бўлиб ўтган партиянинг махсус йиғинида маълум қилинди. Энди Гордон Браун шу йилнинг 27 июнида бош вазири Тони Блэрнинг курсисини эгаллайди.

Шунингдек, парламентдаги ақсарият ўринларини эгаллаган лейбористлар партияси раҳбари ўринбосари лавозимига Адлия вазири Харриет Харман хоним сайланди. Бу билан Харман хоним янги бош вазири Гордон Брауннинг ўринбосари вазифасини қўлга киритади.




Келишувга биноан розилик

Шимолий Кореянинг Макао банкида Америка ҳукумати талаби билан музлатиб қўйилган пуллари Пхеньянга қайтарилди.

Келишувга биноан пуллар эгасига қайтарилган, Шимолий Корея томони ядровий дастурдан босқичма-босқич воз кечиш лозим эди. Мамлакатдаги ЦТАК ахборот агентлигининг хабар қилишича, Шимолий Корея МАГАТЭ агентлари гувоҳлигида Йонбондаги атом реакторини ёпишга розилик берган.

Февраль ойида Пекинда бўлиб ўтган олти томонлама учрашуларда расмий Пхенья энергетик ва озиқ-овқат ёрдами эвазига ҳам Йонбон реакторининг ёпилишига рози бўлмаган эди.




Журналист ҳамон гаровда

Фаластинда асир олинган BBC ахборот агентлиги журналисти Алан Жонстон тақдирини тўғрисида интернет сайтларида видеолаваҳа намойиш этилди.

Лавҳа бир дақиқа 42 сония давом этиб, унда журналистнинг миналаштирилган "ўлим белбоғи" тақиб олгани намойиш этилган. Алан Жонстон агар Британия ҳукумати жангариларнинг Лондон қамқоқоналаридаги шерикларини озод этмаса, уни асир олганлар шу белбоғи орқали портлатиб юборишларини айтган.

Жонстон бундан 3 ой муқаддам Ҳазо секторда "Ислон Армияси" жангарилари томонидан ўйирлаб кетилган ва шунга унинг тақдирини номаълумлигича қолмоқда эди.



Махфий ҳотамтой

Америкалик 100 йшли шахси сир тутилган кекса аёл табиатини асраш йўлида ўз ҳисобидан 20 миллион доллар сарф қилди.

Нью-Йорк штатида истикомат қилувчи бу аёл Гудзон қирғоқлари атрофидаги паркларнинг гузаллигини сақлаб қолиш учун шундай хайрияга қўл урган. Кўпчилик бу қариянинг шахси ва ҳаётига қизиқиб қолган. Бироқ у тўғрисидаги маълумотлар сир сақланмоқда. Чунки, буни ўша аёлнинг ўзи хоҳлаган.

Фақат хотамтой қариянинг расм чизиш билан шуғулланиши маълум қилинган. Жаҳон матбуоти хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.



Айтилмаган гаплар ҳам айтиляпти

Газета таҳлавларини варақлайтиб, Истиклол онгимизни қанчалик ўзгартириб юборганини яна бир бор ҳис этдим. Уша пайтларда ёзиш у ёқда турсин айтиш мумкин бўлмаган гаплар эндиликда матбуотимизнинг доимий мавзусига айланма қолди. Ўзингиз уйлаб кўринг: шахсий мулк, хусусийлаштириш, ўзини ўзи бошқариш каби сўзлар истеъмолимизда нафақат ижобий маънода қўлланилмоқда, балки амалий ҳаётимизда ҳам ўз аксини топоқда.

Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар натижасида ширкатлар ўрнида ташкил топган фермер ҳўжаликлари фаолиятига доир материалларга кўзим тушади. Тахририятнинг кундалик тезкор фаолияти жараёнида тайёрланиб, эълон қилинган бу материалларда характерли рақамлар, қисқалашлар, ўзига хос фикр-мулохаазаларни излайман.

"Фермерга мададорлар" мақоласидаги баъзи жумла-ларга эътибор қаратайлик: "Утган йили фермерликни қўлга киритдик, еримизнинг ҳақиқий эгаси бўлдик, деб қувонверган эканмиз, — дейди Насиба Мамажонова. — Ер эгаси бўлиш катта масъулият ҳам экан. Аввал меҳнатни қилиб, бошқа юмушлар билан бошимизни қотирмасдик. Ерни ҳайдашдан тортиб,

ҳосилни топирадиканлар бор-ку, деб ўярдик. Энди бу ишларнинг ҳарма масъулияти ўзимизда".

"Зангиота имкон Барака" агрофирмаси раҳбари Раҳмат-жон Назаралиев эса шундай дейди: "Ернинг ҳўжалигини бўлдим, деб эмас, ернинг ҳақиқий эгаси бўлдим, деб меҳнат қилиш керак".

Қаранг, деҳқон мутаҳас-силарнинг янгича фикрлаш-ларини! Баъзида газетамизда мақ-товларга кўп ўрин ажратила-ётгандек гўё. Бунақада газет-хонларимиз мақтовга ўч бўлиб қолмасмикан? Албатта, эришаётган ютуқларимизни кўрсатиш, таҳлил этиш ва на-муна қилиш мақтов эмас. Бу-лар керак, ҳатто, жуда керак. Мақтов одамларимизда ўз эгу-ишларига ишончи мустах-

камлайди, эл-юрт манфаати йўлидаги меҳнатларидан фахрлилик ҳиссини оширади.

Ҳамма гап унга чиндан ҳам лойиқ инсонни топа билиш ва мақтов меъёрини билишда-дир. Агар кимдир "Ажойиб, тиним билмас инсон", каби жимжимдор сўзлар билан кўларга кўтариб таърифлан-са, ўша одам бундан ўзини ноқулай сезмайдими? Мабо-до ўзи сезмаса, бошқалар қандай фикрга боришлари мумкин? Ахир сўздан сўзинг фарқи бор.

Табиийки, яхши ёзган ма-териали учун асосли мақтов, ҳатто, бир оғиз ширин сўз қалам аҳлига ҳам ёқди. Ай-никса, бундай сўзлар ҳолис одамлар томонидан айтилса, бу катта муқофот. Негаки, қаламшак кўнгли кишиси, таб-гина шабадага ҳам қалби тей-ранди. Сўз эса қудратли куч-га эга.

Танқид ҳам асал эмас. Ҳам-мага ёқармайди. Айникса, туман газетасида танқид қилиш осонмас. Чунки "ҳаҳрамон" ҳам, муҳбир ҳам бир худудда яшайди. Бугун сен танқид қилган киши бил-лан эртага тўю маърақада бир-

Абдусаттор ХАТАМОВ, Зангиота тумани "Истиклол" газетаси бош муҳаррири.

Жимжитликни жини севмайди

Ўзбекистон журналистлари орасида ўтказилган "Олтин қалам" танловида Қорақалпоғистон радиоси муҳбири Дилбар Қидирғиязова ҳам гўлиб бўлибди, деган хушxabарни эшитганимизда касбдоши-мизнинг бу ютуғидан бизлар ҳам чексиз қувондик.


Хали талаботли кезлари Қорақалпоғистон Журналистлар уюшмаси ташкил этган танловда "Жигарбандим" деган ҳикоя-сига биринчи ўрин берилганида, Дилбарда ўзига нисбатан қатъий ишонч пайдо бўлган эди. Аммо бу ҳаёт экан. Айрим сабабларга кўра "Журналист бўламан" деган фикридан қай-тиб, қишлоқ мактабида ўқитувчилик ҳам қилди.

2002 йили уларнинг оиласи Нукусга кўчиб келди. Шу йили Қорақалпоғистон радиосига ишга қабул қилинди. "Азалдан жимжит, билинмасдан юришни жиним суймайди, ўзига ишон-ган одам ўзини кўрсатиши керак", дейди Дилбар.

Радиода эълон қилинган "Мен бахтли бўлишга ҳақлиман" танловидаги материал тайёрлаш учун Ўзбекистондаги "Меҳрибонлик уй"ларига бориб, у ердаги болалар ҳаёти тўғрисида бир неча эшиттиришлар тайёрлади. Кейин оналар тўғрисида бир неча эшиттиришлар тайёрлади. Кейин оналар тўғрисида бир неча эшиттиришлар тайёрлади. Кейин оналар тўғрисида бир неча эшиттиришлар тайёрлади.

Пардагул ХўЖАМУРАТОВА

Қорақалпоғистон Республикаси



Муродулла ака болалик қизиқликлари билан илк тас-вири суратга олганда 6-синф ўқувчиси эди. Бу таж-рибали сураткаш муҳбир айни дамда "Новости Кашка-рда" газетасида вилоят ихтимойи-сий ҳаётига оид тадбирлар ҳамда қўрғаз-маларни фототасвир санъа-ти орқали одамларга еткази-шида ўз маҳоратини кўрсат-тиб келмоқда.

Унинг иход намуналари нафақат вилоятдаги на-шрлар, балки "Халқ сўзи", "Народное слово", "Травда Востока", "Қишлоқ ҳаёти", "Ўзбекистон спорти" каби Республика газеталаридан ҳам ўрин олган.

Хўсан ТЕМИРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири. Р. ИХСАНОВ олган сурат.

ДИКТЕТ: ЭФИРДА "ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"

Айни туш пайти. Радиода "Шабнам" куйи янграйди. Демак, билингки, "Қишлоқ ҳаёти" эшиттириши ҳаво мавжларида. Қишлоқ ҳаётига бағишланган шу куннинг энг долзарб хабарлари ўқиб эшиттирилган, далалар узра машҳур ҳофизнинг қўшиги янграйди.

Қўшиқ тугагач, ҳаво мавжларида содда қишлоқ одамнинг журналист билан гурунги қўлқоқа қалинади. Бир кун қишлоқимизнинг оксо-қолларидан бири Фофурбой ота илти-мос қилиб қолди: — Баротали, вақтингизни топиб уйга ўтсангиз, тарвақайлаб ётган бир тўп топ бор. Негадир ҳўзил бермай қўйдим. Нурсўхдан энг яхши ўшун на-видан олиб келганман. Пайванд қилиб беринг. — Отaxon айтган кунини уйига бориб, узумни пайвандлаб қайтдим. Ораддан бир неча йил ўтди. Тасодифан яна Фофурбой ота билан тўқнаш келиб қолдим. — Баротали, эсингиздами, токими-ни пайванд қилиб берганингиз, ўшанда ҳўлимдаги токни ўзининг новдасига улаб қўйган экансиз, — деса бўлади...

қорди, бу ёққа юрди. Охири пайт топиб, савол берди: — Ўзи эфирга узатилдими? Яна бош силкиб ишимни давом эттираведим. У бўлса яна саволга тўтди: — Қайси каналда эшитамиз? — Мен ишимни тугатиб у кишига юз-ландим. — Ўзбекистон телерадиоканали-да. — Танишмадик ҳам, исмингиз нима? — Абдухўлик. — Бирдан ҳўсилот сەرкак тортиди. Бир оз ўйланиб тургач, бирдан буй-руқ берди: — Тўхтатинг, туринг ўрнингиздан! Не гаплигини тушуна олмай буй-руққа итот қилдим. — Ҳўсилот бўлса бирдан қўчоқ очиб мен томонга кела бошлади. — Абдухўлик Мухаммад Зоир ўгли сиз экансиз-да... — Бошқатдан қўришдик. — Ҳамма нарсани йнғиштиринглар, сўхатини хонада эмас, далада давом эттирамиз. — Унинг айтганини қилдик. Ишни ҳам дўндирадиган ҳўсилот экан. "Байтқўрғон" да ёш қари Абдумажид Жўрабоев деса ҳурматини хойига кўяр экан. Уша пайта мени қўчоқ

очиб қаршилаганига эмас, бизнинг мухлисариимиз қўлигидан хурсанд бўлдим. "Қишлоқ ҳаёти" салкам 40 йил-дан буён тингловчиларнинг энг се-вимли эшиттиришларига айланма қолган. Мустақиллик йиллари ту-файли қишлоқларимизда ҳаёт жон-ланди. Янгича ишлаб чиқариш му-носабатлари таркиб топтомоқда. Қад-риятларимиз тикланмоқда. Энди-ликда аввалгидек фақат қишлоқ ҳўжалиги соҳасини тушунадиган му-таҳассислар эшитишмайди, бу эшит-тиришлар ҳаммабўлигидан тинг-ловчилар фаолияти ошди. — Абдухўлик Марайимовнинг "Хўш-нуд лаҳзалар" муаллифлик эшитти-риши кўп йиллар, жуда кўп мухлис-ларга маъқул бўлди. Негаки, бу эшиттириш чекка-чекка қишлоқлар-даги юртдошларимизнинг энг хўш-нуд оналарини ёритади. Ундан таш-қари, фидойий журналистнинг "Асли-дай асранг", "Маҳаллада нима гап?" муаллифлик эшиттиришлари ҳам ал-лақачонлар мухлислар кўнглидан жой олган. — Радиони ўз уйи, ўз хонадони деб биладиган Абдухўлик ака учун юр-тимизнинг энг чекка қишлоқларида яшайдиган мухлисига ҳам қадр-дон. "Мен қайси қишлоққа бормай, чексиз меҳр-оқибатни кўрдим. Қаер-да меҳр-оқибат бор экан, ўша ерда ҳаёт қадри, одамлар эъозли", де-ганларида қалбингиз тўб-тўбда ас-раб келётган қишлоқ одамларига бўлган меҳрга, садоқатга ишора эт-масанмикан? — Қўндан-қўнга, йилдан-йилга ўз нуфузи ошиб, тингловчилари эхти-рон билан тилга олаётган "Қишлоқ ҳаёти" эшиттиришида ана шундай қабилга садоқатли жонқўяр одамлар ишлайди.

Барно СУЛТОНОВА

Хабарлар

Мавсум олдидаги масъулият

“Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси ҳар йили анъанавий тарзда тизимдаги қайта ишлаш корхоналари томонидан узум хом ашёси қабул қилиш мавсуми олдида семинарлар ташкил этади. Бу анъана жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда. **ФАРФОНА** вилоятида бўлиб ўтган ҳудудий семинарда водий вилоятлари ҳокимликларининг Ахборот-таҳлил гуруҳи, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармалари масъул ходимлари, 46 та ҳудудий агрофирмалар раислари ва узумчиликка ихтисослашган 180 дан ортиқ фермер ҳўжаликлари раҳбарлари иштирок этишди.

Семинар давомида кимёвий препаратлар кўргазмаси ҳам ўтказилди. Унда “Ўқиш-қўқўжаликим” АЖ тизимидаги водий филиаллари ва қишлоқ ҳўжалигига кимёвий препаратлар отказиб берувчи чет эл фирмаларининг юртимиздаги ваколатхоналари ўз махсулотлари билан қатнашди. Шунингдек “Ўзвиносаноат-холдинг” компанияси тизимида олтингургут кўкунини ишлаб чиқаришга ихтисослашган “ТЕХНО-SERA” МЎЖ корхонаси ҳам семинарда ўз ускуналарини иштирокчиларга таништирди.

САМАРҚАНД вилоятидаги минтақавий семинарда ҳам Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги узумчиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликлари раҳбарлари, “Ўзвиносаноат-холдинг” компаниясининг винобоп узумларни қайта ишлаш корхоналари мутахассислари ҳамда фермерларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Семинарда асосий эътибор фермер ҳўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналарининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, мавсумда сифатли хом ашё қабул қилиш ва вино махсулоти ишлаб чиқариш муаммоларига қаратилди.

Шунингдек, анжуманда “Шахрисабз вино-арок” ОАЖ директор ўринбосари Зиёдулла Абдуллаев, Самарқанд вилояти “Ховренко” ОАЖ бош технологи Бобожон Мурсулоновнинг винобоп узумларни етиштиришдаги муаммолар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари иштирокчиларда кизиқиш уйғотди.

Бобур МУХАММАДИЕВ,
Маммадиёр ЗИЁДИНОВ.



“O'ZVINOSANOAT-HOLDING” КОМПАНИЯСИ

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

муносабати билан Ўзбекистон журналистларини, соҳанинг барча намояндаларини, нашриётлар, босмахоналар ишчи-хизматчиларини касб байрамлари билан самимий қутлайди!

Сизларга машаққатли, айни дамда шарафли фаолиятингизда муваффақият, омад тилаб қоламиз. Доймо қаламнингиз ўшқир, ижоднингиз бардавом бўлсин!



DESK-INVEST

Ўзбекистон - Австрия қўшма корхонаси

Ўз махсулотларини тавсия қилади:



Уларни тайёрлашда қўлланилаётган фин ускуналари ва замонавий технологиялар, Европа сифати ушбу буюмларнинг камда 50 йил хизмат қилишини кафолатлайди.

Корхонада қалинлиги 0,5 мм бўлган юқори сифатли металл черепицалар, қалинлиги 055-0,8 мм русланган профнастил ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, 1,5-30 мм қалинликдаги қора прокат ҳамisha сотувда бор.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шамсуддинова кўчаси, 45.
Мурожаат учун телефонлар: (998 90) 175-62-57; (998 93) 388-01-27

Махсулотлар занглинишдаи ва ташқи муҳитнинг қаттиқ таъсиридан ишончли муҳофазаланган.

Махсулотлар сертификатланган



“Асака”

Давлат-акциядорлик тижорат банки жамоаси

27 ИЮНЬ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан мамлакатимиздаги барча журналистларни, матбаа ва нашриётлар ходимларини самимий муборакбод этади.


Сиз, азизларни, касб байрамингиз билан қутлар эканмиз, машаққатли, айни дамда шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.



РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ “FALLABANK” ЖАМОАСИ

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан мамлакатимиздаги барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини самимий муборакбод этади ҳамда ҳамюртларингизга қуйидаги юқори фойзли янги омонат шурлари мавжудлигини маълум қилади:

- “NIHOL”**
– омонат турига маблағлар 1 ой сақлаш ва йиллик 24 фойз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фойзаларни омонатнинг муддати тугагандан сўнг тўлаб берилиши кафолатланади.
- “NILUFAR”**
– омонат турига маблағлар 2 ой сақлаш ва йиллик 24 фойз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фойзаларни омонатнинг муддати тугагандан сўнг тўлаб берилиши кафолатланади.
- “Коммунал омонати”**
– омонат турига маблағлар 3 ой ва ундан ортиқ сақлаш ва йиллик 18 фойз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.
- “Нафақа-мададкор”**
– омонат турига маблағлар 1 йил сақлаш ва йиллик 15,1 фойз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.
- “BAHOR”**
– омонат турига маблағлар 6 ой сақлаш ва йиллик 24 фойз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фойзалар ҳар ой тўлаб борилади.
- “KAFOLAT”**
– омонат турига маблағлар 3 ойдан 3 йилга қадар сақлаш ва йиллик 16,1 дан 18 фойзгача устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.
- “ISHONCH”**
– омонат турига маблағлар 3 ойдан 3 йилга қадар сақлаш ва йиллик 15,1 дан 17 фойзгача устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.
- “KAMALAK”**
– омонат турига маблағлар 3 ой сақлаш ва йиллик 18 фойз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фойзалар ҳар ойда тўлаб борилади.
- “Саломатлик”**
– омонат турига маблағлар 11 ой сақлаш ва йиллик 16,6 фойз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.
- “LUKS”**
– омонат турига маблағлар 3 ойдан 3 йилга қадар сақлаш ва йиллик 15,6 дан 17,6 фойзгача устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.
- “NAVBAHOR”**
– омонат турига маблағлар 3 ой сақлаш ва йиллик 20 фойз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фойзалар ҳар ойда тўлаб борилади.
- “SHODLIK”**
– омонат турига маблағлар 2 ой сақлаш ва йиллик 22 фойз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фойзалар ҳар ойда тўлаб борилади.
- “SEVINCH”**
– омонат турига маблағлар 6 ой сақлаш ва йиллик 20 фойз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фойзалар ҳар ойда тўлаб борилади.
- “Пластик карточка”**
– талаб қилиб олгунча, муддатсиз омонат турига маблағлар йиллик 16 фойз қайта молиялаш ставкаси миқдоридан фойз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.



Барча мижозларнинг маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фойзалари билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамда унинг қатъий сир сақланиши “Falлабанк” томонидан кафолатланади.

“FALLABANK” ОМОНАТЛАРИ КЕЛГУСИ ДАРОМАДЛАРИНГИЗ КАФОЛАТИДИР “FALLABANK” ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

